ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01105

СОҒЛИК КАПИТАЛИ КАТЕГОРИЯСИ, УНИНГ ТУРЛАРИ, МАНБАЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ.

Мирзохид Латифович Шарипов
Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси
sharipovmirzoxid@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада инсон соғлиги, саломатлик капиталининг моҳияти, манбалари, турлари, ўзига хос хусусиятлари, ҳамда юртимизда инсон соғлигини муҳофаза қилиш соҳасида олиб борилаётган амалий ислоҳотлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Инсон соғлиги, соғлик капитали, меҳнат ресурси, ишчи кучи, меҳнат потенциали, инсон ресурслари, инсон омили, соғлик рейтинги, саломатлик салоҳияти.

HEALTH CAPITAL CATEGORY, ITS TYPES, SOURCES AND SIGNIFICANCE

ABSTRACT

In the article analyzes human health, the essence of health capital, types, sources, features of health capital, as well as practical reforms in the field of human health in our country.

Keywords: Human health, health capital, labor resource, labor force, labor potential, human resources, human factor, health rating, health potential.

> Инсон - табиатнинг ер юзидаги олий маҳсулидир. Бироқ табиат яратган мўъжизалардан баҳра олмоқ учун инсон соғлом, бақувват ҳамда зукко бўлмоғи зарур.
>
> ***И.И.Павлов***

КИРИШ

Ҳар бир инсон ҳаётида саломатликдан ҳам муҳим, соғликдан ҳам кўпроқ эътибор бериладиган нарса бўлмаса керак. Шунинг учун кишилар касалликлардан сақланиш, саломатликларини асраш ва мустаҳкамлаш учун куч-ғайрат, маблағ ва вақтни аямайдилар. Булар бежизга эмас, чунки ҳаёт ширин, саломат умргузаронлик қилиш ундан ҳам ширин. Бахтли-саодатли турмуш кечириш учун эса инсонга аввало соғлик керак, лекин инсон саломатликнинг қадрини уни йўқотганда англаб етади. Тананинг соғлом бўлиши ва уни турли касалликлардан сақлаш ҳар бир инсоннинг бурчи

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01105

ҳисобланади. Ҳозирги кунда қанчалик дори-дармонлар кўпаймасин, тиббий муассаса сифати, шифокорлар савияси, тиббий техника яхшиланмасин, агар инсоннинг ўзи ўз саломатлиги ҳақида қайғурмаса, кутилган натижага эришиб бўлмайди. Буюк аждодимиз Имом Мотуридий ҳазратларининг “Тириклик ҳикматини соғликда деб билгин”, деган чуқур маъноли сўзларига қатъий амал қилишимиз ҳаётимизнинг барқарор, фаровон ва тўкин бўлишига олиб келади.

Инсон учун бебаҳо бойлик – бу соғлик-саломатликдир. Уни асраш эса ҳар биримизга омонат қилиб берилган. Шунинг учун ҳам инсон ўз соғлигини эҳтиёт қилиши вожиб амаллардан ҳисобланади. Доно халқимиз “Саломатлик – туман бойлик” деб бежиз айтмаган. Ақл-идрок соҳиби бўлган инсон ўз ҳаётини қадрлаши лозим бўлади [4.1].

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, уни халқаро андозалар даражасига кўтариш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани ўз натижасини бермоқда. Бугунги кунда пойтахт ёки вилоят марказлари, балки чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кишила ҳам малакали тиббий хизматлардан баҳраманд бўлаётгани, энг муҳими замонавий ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт муассасаларда малакали мутахассислар фаолият юритаётгани бундан далолат бериб турибди. 2021 йил мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинди ҳамда давлат дастури тасдиқланди. Давлат дастурида муҳим йўналиш сифатида белгиланган тиббиёт соҳасида пандемияга қарши кураш, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, давлат томонидан бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари рўйхати қайта шакллантирилиб, улар билан аҳолини кафолатли таъминлаш тизимини йўлга қўйиш каби устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Инсоннинг соғлиги, саломатлик капитали ва у билан боғлиқ тушунчаларнинг назарий масалалари В.Т.Смирнова, С.А.Грачев, М.А.Гундорова, В.А.Мошнов, В.В.Бушуев, Г.С.Беккер, Ю.А.Корчагин каби хорижий тадқиқотчи-олимлар томонидан атрофлича ўрганилган. Юртимизда ҳам бу соҳада илмий изланишлар олиб борилмоқда, аммо инсоннинг соғлиги унинг оила, жамият ва инсон ҳаётида тутган ўрни чуқур фалсафий таҳлил қилинган илмий ишлар ниҳоятда кам. Ушбу мақолада инсоннинг соғлиги, саломатлик капиталининг моҳияти тадқиқ этилган бўлиб, анализ ва синтез, умумлаштириш, қиёсий таҳлил методларидан фойдаланилди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01105

НАТИЖАЛАР

Соғлик, куч, чидамлилик, иш қобилияти - ҳар қандай ишни бажариш учун зарур бўлган ҳар бир кадрнинг шахсий хусусиятларидир. Оғир жисмоний ва интеллектуал меҳнат, шунингдек раҳбарларнинг таъсири жисмоний куч сарфланиши ва асаб тизимига босимнинг ортишига олиб келади. Оддий иш қобилиятининг режимини амалга ошириш учун инсон соғлиғи етарли бўлиши ва ҳар куни озиқ-овқат, дам олиш, маълумот бериш орқали қўллаб-қувватлаб турилиши керак.

Ҳозирги вақтда соғлик - инсон танасининг барча функциялари табиий ва ижтимоий муҳит билан резонанслашганда тўлиқ ижтимоий ва психологик фаровонлик ҳолати деб таърифланади. Саломатлик капитали - бу қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга бўлган инсон капиталининг алоҳида категориясидир:

- Қисқа вақт ичида соғликни тиклаш ёки унга эга бўлиш мумкин эмас. Бундан ташқари, инсоннинг умр бўйи тўплаган саломатлик капитали кутилмаган тасодифий ҳодисалар туфайли дарҳол йўқотилиши мумкин;
- Соғликни маълум даражадан ошириб бўлмайди (бунга ирсият, инсоннинг баъзи генетик касалликларга мойиллиги сабаб бўлади). Шу билан бирга, тананинг психофизик кучлари мувозанатига эришилганда, инсон саломатлиги захиралари кўпаяди. Шунинг учун ҳам бир инсон ўз саломатлигига кўпроқ ғамхўрлик қилиши лозим, давлат эса касалликларнинг олдини олиш тизимини ташкил этишга эътибор қаратиши керак;
- Одамлар меҳнат фаолияти билан шуғулланмасалар ҳам соғлик ва саломатлик инсоннинг асосий капитали бўлиб қолаверади [5.74].

Соғлик ресурсларига туғма (генетик) соғлик, шунингдек, уни сақлаб қолиш учун олинган кўникмалар ва қобилиятлар киради. Соғлик ресурслари *анъанавий* (кутилаётган умр кўриш йиллари) ва *нисбий* (0 дан 1 гача) турлари, *табиий* (кутилаётган соғлом ҳаёт йиллари) ва *пул эквивалентлари* билан ўлчанади. Соғликни сақлаш ресурсларининг пул баҳосини олиш учун нисбий ва табиий ҳисоб-китоблардан доимий равишда фойдаланилади.

Соғлик ресурсларини нисбий баҳолаш учун таркиб жиҳатидан яқин бўлган “*соғлик рейтинги*” ва “*саломатлик салоҳияти*” тушунчалари қўлланилади.

Соғлик рейтинги (0 дан 1 гача) эришилган соғликни сақлаш даражасига унинг стандарт қийматига яқинлашиш даражаси сифатида тушунилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01105

Тиббий амалиётда қўлланиладиган анъанавий соғлик гуруҳлари асосида соғликни сақлаш рейтингининг асосий қийматлари аниқланади:

- “яхши соғлик”- соғлом ва деярли соғлом одамлар, олти ой давомида касал бўлмаган (бундай соғликнинг дастлабки кўрсаткичи 0,50) ёки фақат 1 кундан 7 кунгача шамоллаш (мавсумий) касалликка чалинган (соғлик даражаси 0,45)
- “ўртача соғлик” - ярим йил давомида бир ҳафтадан кўпроқ вақт давомида шамоллаш (мавсумий) касал бўлган шахслар (соғлик даражаси 0,40) ёки компенсация қилинган курс босқичида сурункали касалликларга чалинганлар (соғлик даражаси 0,35);
- “соғлиги ўртача даражадан паст” - бир неча йиллар давомида ўткир касалликларга ёки сурункали касалликларнинг кучайишига чалинган шахслар (соғлик рейтинги 0,30);
- “соғлиги ёмон” - ўткир ва тез-тез учрайдиган одамлар сурункали касалликларнинг узоқ муддатли кучайиши (соғлик рейтинги 0,20);
- “соғлиги жуда ёмон” - сурункали касалликка чалинган шахслар, меҳнат қобилиятини йўқотилишига ҳамда ногиронликка олиб келадиган узоқ муддатли касалликлар (соғликнинг дастлабки даражаси 0,10) [5.75].

Саломатлик потенцияли (0 дан 1 гача) - бу инсоннинг психосоматик сифатлари, турмуш тарзи ва соғликка сармояларни ҳисобга олган ҳолда ўз-ўзини такомиллаштириш, соғлиғининг максимал даражасига эришиш қобилиятидир. Ушбу кўрсаткич саломатлик рейтингига нисбатан соғликни сифатини янада аниқроқ акс эттиришдир.

Соғлик капиталига инвестициялар - бу инсоннинг соғлиғини ва шунга мос равишда меҳнат қобилиятини шакллантириш, сақлаш ва яхшилаш мақсадида йўналтирилган маблағлардир. Касаллик ва ўлимни камайтиришга ҳисса қўшадиган соғликни сақлашга киритилган маблағлар, инсон саломатлигини муҳофаза қилади ҳамда унинг меҳнат қобилиятини узайтиради. Инсон саломатлиги ҳолати унинг табиий капиталидир, унинг бир қисми ирсий деб ҳисобланса, бошқа қисми эса шахс ва жамият харажатлари натижасида эришилади.

Инсон ёшининг улғайиб бориши билан инсон капиталининг жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириши содир бўлади. Соғликни сақлашга сармояларнинг йўналтирилиши ушбу жараённи секинлаштириши мумкин. Бирор кишига қўйилган барча инвестицияларни инсон капиталига қўйиладиган сармоялар деб бўлмайди, фақат ижтимоий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01105

иқтисодий зарур бўлган сармоялар капитал сифатида тан олиниши мумкин. Соғлик-саломатлик бу жамиятнинг – миллий ютуғи ва миллий бойлигидир.

Саломатлик капитали қуйидаги турлар ажратилади:

- Таянч - ирсий йўл билан ота-онадан ўтадиган, инсоннинг физиологик хусусиятлари умумийлиги билан белгиланадиган капитал. Ушбу хусусиятлар асосан олдиндан белгилаб қўйилган, аммо замонавий генетик муҳандислик билан жуда муваффақиятли ўзгаришлар қилиш мумкин;
- орттирилган ишлаб чиқариш фаолиятида амалга ошириладиган инсоннинг жисмоний хусусиятларини шакллантириш ва истеъмол қилиш жараёнида шаклланади. Ходимдан замонавий шароитларда ахборотни ишлашнинг юқори тезлигини, чидамлилигини, реакция тезлигини, қарор қабул қилиш тезлигини талаб қилади [5.75].

МУҲОКАМА

Соғликни сақлаш нафақат ижтимоий муаммолар билан бир қаторда инсон ҳаёти сифатини яхшилаш, иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари билан боғлиқ иқтисодий муаммоларни ҳал қилади ва жамиятнинг меҳнат салоҳиятини шакллантиришга ёрдам беради. Шунинг учун, соғликни сақлашни молиялаштириш, соғлик капиталига сармоялар киритиш, репродуктив жараённинг зарур элементи сифатида, капитал қўйилмаларнинг ўзига хос шакли сифатида қаралиши керак.

Соғлик капиталига инвестицияларни шакллантиришда, қоида тариқасида, тўртта асосий манбалар мавжуд:

1. Фуқароларнинг ўз саломатликлари учун сарфлаётган маблағлари:
   - дори-дармонларни сотиб олиш;
   - диагностика ва текширув харажатлари;
   - тиббий харажатлар;
   - касаллик туфайли йўқотилган даромад.
2. Соғлом кадрларга ишлаб чиқаришнинг этакчи омили сифатида манфаатдор бўлган корхоналар (фирмалар):
   - Техника хавфсизлиги харажатлари;
   - Санитария ва экологик тадбирлар (душ, ҳавони тозалаш);
   - Тиббий-санитария чора-тадбирлари (касб касалликларини даволаш);
   - Ходимларнинг соғликни тиклашларини молиялаштириш (қўшимча таътиллар, санаторийларга йўлланмалар).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01105

3. Тиббий суғурта фондлари. Суғурта - бу одамлар ва турли хил корхоналар томонидан турли хавфли вазиятлардан зарарни камайтириш учун фойдаланадиган асосий усуллардан бири.

4. Давлат харажатлари - фуқароларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш орқали жамиятни ривожлантириш [5.76].

Соғлик учун талабни моделлаштиришнинг энг ривожланган усулларидан бири М.Гроссман томонидан таклиф қилинган. Ушбу моделда соғлик касаллик туфайли бир йилда ўтказиб юборилган иш кунлари сони билан ўлчанади (фақат иш билан банд бўлган аҳоли ҳисобга олинади). Соғлик капиталига ялпи сармоялар уй хўжалигининг ишлаб чиқариш функцияларига асосланади, бу ерда соғлик даражаси ва соғликни сақлаш хизматларидан фойдаланиш, парҳез овқатланиш, жисмоний машқлар билан шуғулланиш, чекишни ташлаш, спиртли ичимликлар ичиш ва ҳоказолар инобатга олинади. Инсоннинг шахсий хусусиятлари бундай сармояларнинг самарадорлигига, яъни инвестицияларнинг маълум бир даражасида унинг соғлиғи даражаси қандай ўзгаришига таъсир қилади. Гроссман моделида соғлик шахснинг фойда келтирувчи вазифаси сифатида қаралади.

$$U = U(\varphi_t, H_t, Z_t), \quad t = 0,1, \dots, n,$$

бу ерда H_t - соғликнинг **t** йилидаги капитал заҳираси (ёки **t** ёшида); φ_t - соғлик капитали бирлигидан “хизматлар оқими”; Z_t - йилига бошқа товарларни истеъмол қилиш; соғликнинг 0-йилги капитали аниқланган, аммо бошқа вақтларда у **n** умр бўлгани каби эндоген ҳисобланади. Агар соғлик капитали маълум H_{min} даражасидан кам бўлиб чиқса, ўлим юз беради [5.77].

2021 йил мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинди. 2021 йилда муҳим йўналиш сифатида белгиланган тиббиёт соҳасида қуйидаги устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда:

Биринчидан, коронавирус пандемиясига қарши курашни тизимли равишда давом эттириш – энг муҳим вазифаларимиздан биридир. 2021 йил давлат бюджетида 3 триллион сўм захира шакллантирилиб, аҳолини коронавирусга қарши эмлаш тадбирлари амалга оширилади. Санитария-эпидемиология хизмати сифатини ошириш, унинг моддий-техник базасини яхшилаш ва замонавий лабораториялар ташкил этишга 200 миллион доллар йўналтирилади. Пандемия сабоқларидан келиб чиққан ҳолда, тиббиёт соҳасини рақамлаштириш кўлами янада кенгайтирилади. Жумладан, барча тиббиёт муассасаларида масофавий хизматларни кўпайтириш, поликлиника ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01105

касалхоналарни электрон иш юритишга ўтказиш чоралари кўрилади. Шунингдек, республика ихтисослашган тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари ўртасида телемедицина йўлга қўйилиб, диагностика ва даволаш учун жойлардаги имкониятлар янада кенгайтирилади.

Иккинчидан, она ва бола соғлиғига эътибор – жамиятга, келажакка эътибордир. Шу мақсадда 2021 йилдан бошлаб 15 ёшгача бўлган болалар ва ҳомиладор аёлларга 7 турдаги витаминлар, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситалари бепул тарқатилади. Бу жараён билан 2021 йилда – 11 миллион нафар, 2022 йилда – 17 миллион нафар аҳоли қамраб олинади ва бу ишларга 100 миллиард сўм маблағ йўналтирилади. Аёллар ва болаларни йод, темир, фолий кислотаси, витаминлар ва паразитларга қарши дорилар билан бепул таъминлаш орқали аҳоли ўртасида камқонлик 25 фоизга камайтирилади.

Учинчидан, тиббиётнинг бирламчи бўғинини кучайтириш, айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш зарур. Бу борада бирламчи бўғинда умумий амалиёт шифокори ўрнига оилавий шифокор ва унга ёрдамчи сифатида 5 нафар ўрта тиббиёт ходимидан иборат “тиббий бригадалар” ташкил этилади.

Тўртинчидан, ҳозирги кунда 12 мингдан зиёд фуқароларимиз оқ қон ва оғир ирсий гематологик касалликдан азият чекмоқда. Шу сабабли келгуси йилда онкогематология соҳаси ҳамда даволаш қийин бўлган касалликлар бўйича мураккаб диагностика ва тиббий амалиётлар учун бюджетдан 250 миллиард сўм ажратилади [1.12].

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш доирасида бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш, касалликларни профилактика қилиш ва барвақт аниқлаш, малакали тиббий кадрларни тайёрлаш, соҳага янги бошқарувни жорий қилиш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Шу билан бирга, дунёда эпидемиологик хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётгани касалликларга қарши курашиш фаолиятидаги ёндашувларни, ҳозирги мураккаб шароит ва орттирилган тажрибалардан келиб чиқиб такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини ошириш, тиббиёт ходимларининг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бирламчи

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01105

тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110-сонли фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга биноан соғлиқни сақлаш тизимини бугунги босқичда ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди. Жумладан:

- бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, тиббий профилактика ва патронаж тизимининг мутлақо янги тизимини жорий қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва аҳоли жамоат саломатлигини таъминлашнинг маҳаллалар ва аҳоли хонадонлари даражасигача қамраб оладиган яхлит тизимини яратиш, бу борада аввалambор соғлом турмуш тарзи ва жисмоний фаолликни оширишни тизимли ташкил этиш ҳамда кенг тарғиб қилиш;
- соҳада етук ва чуқур билимга эга кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда рақобат муҳитини яратиш, илғор хорижий тажрибага асосан ходимларни касбий ривожлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш, тиббиёт илм-фанини ривожлантириш орқали жойлардаги тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш;
- тиббиёт ходимларининг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, халқимиз ўртасида уларга нисбатан ҳурматни ошириш, ушбу касб эгалари учун муносиб меҳнат шароитини яратиш ва даромадини кўпайтириш, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича аниқ амалий чора-тадбирларни амалга ошириш;
- соҳага замонавий менежментини жорий этиш, бошқарув жараёнидаги ортиқча ва бюрократик тартиб-тамойилларни қисқартириш, соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизимининг самарадорлигини ошириш ҳамда рақамли тиббиётни такомиллаштириш ва бошқалар [3.2].

ХУЛОСА

Одамларнинг умр кўриш давомийлиги соғлик капиталининг миқдорига боғлиқ бўлиб, тиббий хизматларнинг максимал даражага кўтарилиши муаммоси билан узвий боғлиқ бўлади. М.Гроссман моделига кўра соғликни сақлашга бўлган талаб ёшга қараб истеъмол даражаси ошиши сабабли пасайиб бориши, шунингдек соғликни сақлашга ялпи сармоялар ҳозирги ва келажак авлод соғлиғи ўртасидаги алмашиниш эластиклиги бирдан кам бўлганда ўсиб бориши кузатилади. Гроссман фикрича, иш ҳақи даражаси юқори бўлган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01105

одамлар касаллик туфайли иш кунларини ўтказиб юборишдан кўпроқ даромадларини йўқотадилар. Шунинг учун улар ўз соғлиқларини асрашга кўпроқ аҳамият берадилар.

Касалликларнинг олдини олиш, гиподинамия-камҳаракатликка қарши оммавий курашиш, аҳоли кенг қатлами, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш саломат бўлиш ва узоқ умр кўришнинг муҳим омилларидан саналади. “Авесто”да “Тиббиёт — бу танани соғлом ҳолатда сақлаш санъатидир”, деб ёзилган. Ўша даврдаёқ шахсий ва жамоат гигиенасининг қатъий қоидалари белгилаб берилган. Ичимлик сув, яшаш хоналари ва аҳоли турар жойларининг ҳолатига катта эътибор қаратилган [16.1].

Буюк ватандошимиз Абу Али ибн Синонинг машҳур “Тиб қонунлари” асарида саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрсатиб берилган. Аллома инсонлар ўзини ўраб турган атроф-муҳит билан мулоқотда бўлишини ва ташқи муҳит омиллари, ўз навбатида, унинг саломатлигига таъсир қилишини таъкидлаб ўтган. Улуғ ҳаким саломатликни сақлашда жисмоний фаоллик муҳимлигини алоҳида қайд этиб, тартибли ҳаёт тарзи омили сифатида жисмоний машқлар, овқатланиш тартиби ва уйқуни қайд этган. У бундай ёзади: “Меъёрида ва ўз вақтида жисмоний машқлар билан шуғулланадиган инсон ҳеч қачон даволанишга муҳтож эмас”. Тиббиёт фани улкан ютуқларга эришган бугунги кунда ҳам Ибн Сино қолдирган тавсиялар ўз аҳамиятини йўқотмаган.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://president.uz/uz/lists/view/4057. 29.12.2020 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Т, 2020 йил 2 октябрь, ПҚ-4847-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. Т., 2020 йил 12 ноябрь, ПФ-6110-сон.
4. Фурқат Жумаев**.** Саломатлик – туман бойлик. 11.11.2016 йил. http://muslim.uz/index.php/maqolalar/item/1768-salomatlik-tuman-bojlik.
5. С.А.Грачев, М.А.Гундорова, В.А.Мошнов. Инвестиции в человеческий капитал. Владимир. 2016.
6. И.Н.Шапкин. Человеческий капитал: теория, исторический опыт и перспективы развития. Москва. 2017.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01105

7. Я.И.Кузьмин, Л.Н.Овчарова, Л.И.Якобсон. Как увеличить человеческий капитал и его вклад в экономическое и социальное развитие. Москва. 2018.
8. Lutfillo Karamatilloevich Akhatov, Akbar Nomozovich Rasulov, Oybek Kakhramonovich Mirzorakhimov, Mirzokhid Latipovich Sharipov, Farkhodjon Anvarjon-ugli Ibrokhimov. (2020). “The outlookings of religious and sufism in teaching of Abdurakhman Jami”. Journal of critical reviews. 5 Vol. 7, ISSUE 17, 112-116 pages.
9. Мирзохид Латифович Шарипов, Нилуфар Махсудовна Кошанова. (2021). Инсон капитали моҳияти, унинг давлат ва жамият тараққиётидаги аҳамияти. «Academic research in educational sciences». Volume 2. Issue 4. 1259-1268.
10. Шарипов М.Л. (2020). Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий мероси, уларнинг илм-фан ҳамда жаҳон цивилизацияси тараққиётидаги роли ва аҳамияти. "Science and Education" Scientific Journal. Volume 1 Special Issue. 157-172.
11. Нилуфар Махсудовна Кошанова, Мирзохид Латифович Шарипов. (2021). Bola tarbiyasida ota-onalar ma’suliyatini oshirish dolzarb vazifa. «Academic research in educational sciences». Volume 2. Issue 4. 1252-1258.
12. Hojiyev Rasulbek Boynazar o`g`li, Xolmo`minov Gofur Bobonazarovich & Sharipov Mirzohid Latipovich. (2020). “Raising a harmoniously developed generation is a priority of democratic reforms in Uzbekistan”. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. Vol. 8 No 5, Part II. 1-3.
13. Шарипов М.Л. (2020). Коррупцияни юзага келтирувчи омиллар ва унинг оқибатлари. "Science and Education" Scientific Journal. Volume 1 Issue 5. 263-270.
14. Шарипов М.Л. (2020). “Ёшлар маънавиятини юксалтиришда Ҳусайн Воиз Кошифий ахлоқ фалсафасининг аҳамияти”. Муғаллим ҳем узликсиз билимлендириў. № 1-1. 94-98.
15. Мирзохид Шарипов. (2020). “Тарихни ўзгартирган буюк соҳибқирон”. *Тамаддун нури*. № 2. 14-17.
16. Саломатлик илми. Янги Ўзбекистон газетаси. https://yuz.uz/news/salomatlik-ilmi. 9 ноябр 2020 йил.
17. Мухаммадиев, Р. Р., & Жайнаров, О. Ҳ. Ў. (2021). ЎЗБЕКИСТОНДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИГИ ВА ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ (ХХ АСР 70 ЙИЛЛАРИ). *Academic research in educational sciences*, *2*(3).
18. Рахмон, М. Р. (2020). ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ МЕҲНАТ ЖАСОРАТЛАРИ. *Ўтмишга назар журнали*, *9*(3).